

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА
ҚУРИЛИШ ҚўМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

373 Инвестиция лойиҳасининг дастлабки рухсат берувчи хужжатлари таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келишиб олиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 8 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1036-1

(2011 йил 18 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 20-21-сон, 205-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 2001 йил 15 майдаги 1-сон қарори (рўйхат рақами 1036, 2001 йил 26 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон) билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳасининг дастлабки рухсат берувчи хужжатлари таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келишиб олиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 27 июль,
3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.